

Ховосда йўллар таъмирланади



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги "2019-2020 йилларда Сирдарё вилоятининг Ховос тумани янги марказини қуриш юзасидан амалий чоратадбирларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 380-сонли қарори билан 2019-2020 йиллар давомида бажариладиган ишлар қаторида – йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш тадбирлари ҳам белгилаб берилди.

Унга кўра қуйидаги ишлар бажарилади:

- Халқаро аҳамиятдаги М-34 "Тошкент-Душанбе" автомобиль йўлининг 145-152 км қисмини реконструкция қилиш;
- Давлат аҳамиятидаги 4Р44А "Ховос темир йўл станцияси шаҳобчаси" автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини таъмирлаш;
- Туман маркази кўчаларини, янги қуриладиган кўп вақатли уйларнинг кириш ва ички йўлларини, жами 46 км йўлларни тўлиқ ва жорий таъмирлаш.

Юқоридагилардан ташқари А376 "Кўқон-Жиззах" автомобиль йўлининг 219-242 км қисмида – йўл ёқасини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва сугориш тизимини ташкил этиш каби ишлар ҳам бажарилади.

Автомобиль йўллари қўмитаси

матбуот хизмати